



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI VAZIRINING
BUYRUG'I**

2023-yil. "24"-yanvar

6-son

**"Bosh loyihachi to‘g‘risidagi nizom" ma'lumotnomasini
tasdiqlash to‘g‘risida**

O'zbekiston Respublikasi Shaharsozlik kodeksi hamda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 6-oktabrdagi 577-sun "Qurilish sohasiga oid talablarni soddalashtirish hamda texnik jihatdan tartibga solish sohasidagi normativ hujjatlarni tizimlashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman**:

1. "Bosh loyihachi to‘g‘risidagi nizom" ma'lumotnomasi ilovaga muvofiq tasdiqlansin.
2. O'zbekiston Respublikasi davlat arxitektura va qurilish qo'mitasi raisining 2012-yil 29-dekabrdagi 119-sun buyrug'i bilan tasdiqlangan QMQ 1.03.03-13 "Bosh loyihachi to‘g‘risidagi Nizom" qurilish me'yorlari va qoidalari o'z kuchini yo'qotgan deb topilsin.
3. Mazkur buyruq O'zbekiston Respublikasi Uy-joy communal xizmat ko'rsatish vazirligi hamda Investitsiyalar va tashqi savdo vazirligi huzuridagi O'zbekiston texnik jihatdan tartibga solish agentligi bilan kelishilgan.

Vazir



B. Zakirov

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги вазирининг 2023 йил
24 январдаги б-сон буйруғига
ИЛОВА

“Бош лойиҳачи тўғрисидаги низом” бўйича маълумотнома

Кириш

Мазкур маълумотнома Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 октябрдаги “Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 577-сонли қарорига мувофиқ шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини замонавий халқаро стандартлар билан уйғунлаштирган ҳолда тизимлаштириш, қурилиш соҳасида инновацион лойиҳавий ечимлар ва замонавий илмий-техник ишланмаларни қўллаш имкониятини кенгайтириш орқали соҳанинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Корхоналар, бинолар, иншоотлар ва бошқа обьектларнинг қурилиши лойиҳалар асосида амалга оширилади. Қурилиш лойиҳаси – бу берилган худудда ва белгиланган муддатларда обьект қурилиши мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун зарур бўлган график, техник, иқтисодий, матнли ҳужжатлар ва ҳисоблар мажмуасидир.

У ёки бу обьектнинг қурилиши ҳамда қайта таъмирланиши ушбу ишларни амалга ошира оладиган ташкилотларни излашдан бошланади, булар одатда бош лойиҳачи ва бош пудратчилар бўлади.

Бош лойиҳачи лойиҳа ғоясидан унинг амалга оширилгунига қадар тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Бош лойиҳачи танлов асосида саралаб олиниши ҳам тасодиф эмас, аввал тендер эълон қилинади ва ғолиб чиққан ташкилот лойиҳани ишлаб чиқиш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлади.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур маълумотнома бир неча лойиҳа ва лойиҳа-қидирав ташкилотлари билан биргаликда корхона, бино ва иншоотларнинг лойиҳасини, шаҳар ва аҳоли яшаш пунктларини режалаштириш ва қуриш, ҳамда бошқа турдаги лойиҳа-қидирав ишларини бажаришда бош лойиҳачининг мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва жавобгарликларини белгилаб беради. Мазкур меъёrlар лойиҳа ташкилотлари, қурилиш-монтаж ташкилотлари, вазирлик ва идораларнинг капитал қурилиш билан шуғулланувчи мухандис-техник ходимлари учун мўлжалланган.

2. Мазкур маълумотнома бош лойиҳа ташкилотининг (кейинги ўринларда – Бош лойиҳачи) субпудрат асосида лойиҳа-қидирав ташкилотларини янги қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва капитал таъмирланаётган шаҳарсозлик фаолияти обьектларида (кейинги ўринларда – обьектлар) жалб қилган ҳолда шаҳарсозлик ва лойиҳа ҳужжатларини (кейинги ўринларда – шаҳарсозлик ҳужжатлари) ишлаб чиқишидаги мажбуриятлари, ҳуқуқлари ва маъсулиятларини белгилаб беради.

3. Шаҳарсозлик объектларига Ўзбекистон Республикаси худуди ва унинг қисмлари, аҳоли яшаш пунктлари ва уларнинг қисмлари, умумдавлат ва худудий жойлашув тизимлари, ер участкалари, бино ва иншоотлар, худудий-ишлаб чиқариш, шаҳарсозлик ва ландшафт мажмуалари, рекреацион ва ишлаб чиқариш зоналари, маданий мерос объектлари ва уларнинг ҳимоя зоналари, акваториялар, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, аҳоли яшаш пунктлари ичидаги ва атрофидаги ахборот ҳамда реклама объектлари киради.

4. Бош лойиҳачи фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун хужжатлари, шаҳарсозлик меъёрлари ва қоидалари, ташкилот низоми, ҳамда лойиҳани амалга оширишда қатнашувчилар билан тузилган шартнома муносабатларига амал қиласди.

5. Бош лойиҳачи шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқишини ва объектларни лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияга киритишининг бутун даври давомида лойиҳа қидирав ишларини техник бошқаришни ташкиллаштириш учун асосий ишлаб чиқариш ёки асосий қурилиш объектлари лойиҳасининг технологик қисмини ишлаб чиқиш тажрибасига эга бўлган лойиҳа-қидирав ташкилотлари ичдан буюртмачи (инвестор, қурилиш ташкилоти) томонидан аниқланади.

6. Лойиҳа-қидирав ишларини, лойиҳалашни техник бошқаришни ташкиллаштириш учун бош лойиҳачи шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқишига маъсул шахсни – бош муҳандисни (бош архитекторни) лойиҳа бошқарувчиси қилиб белгилайди ва у тегишли органларда, корхоналарда, субпудрат лойиҳа, қидирав ва бошқа ташкилотларда лойиҳа учун бошланғич маълумотларни тайёрлаш, шаҳарсозлик хужжатларини мувофиқлаштириш, экспертиза қилиш, тасдиқлаш ва буюртмачига тақдим этиш, тасдиқланган лойиҳа бўйича қурилиш устидан муаллифлик назоратини олиб бориши масалалари бўйича лойиҳа-қидирав ташкилотининг вакили ҳисобланади.

7. Бош муҳандис (бош архитектор) фаолияти давомида “Бош муҳандис (архитектор) тўғрисидаги Низом” га амал қиласди.

8. Буюртмачи ва бош лойиҳачи ўртасида тузиладиган лойиҳалаш учун шартнома - бажариладиган ишларнинг рўйхатини белгилаб берувчи, томонларнинг мажбуриятларини, ҳуқуқий ва молиявий муносабатларни, ўзаро вазифа ва мажбуриятларни белгиловчи хужжатдир. Бош лойиҳалашга шартнома қурилиш объекти бўйича керакли ҳажмдаги лойиҳа ва қидирав ишларини бажариш учун тузилади. Хизмат ва ишларнинг рўйхати, жумладан, инженеринг хизматлари, дастлабки рухсат берувчи хужжатларни олиш, техник жиҳатдан кузатиш, муаллифлик назорати, давлат экспертизасидан ўтказиш ишлари шартномада белгиланади ва қайд этилади.

9. Бош лойиҳачининг ҳизмат кўрсатиш нархлари буюртмачи билан келишилган ҳолда белгиланади ва шартномада қайд этилади.

2-боб. Техник жиҳатдан тартибда солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

10. Мазкур маълумотномани ишлаб чиқишида қуидаги қонун хужжатлари ва меъёрий хужжатлардан фойдаланилган:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси;

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси;

ШНҚ 1.03.01 - Корхона, бино ва иншоотларни капитал қуриш учун шаҳарсозлик хужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш”;

ШНҚ 1.03.09 - Лойиҳа бош муҳандиси (бош архитектори) ҳақидаги низом”;

ШНҚ 1.03.03 - Турар-жой ва жамоат биноларини ҳамда иншоотларнинг капитал таъмирлашга лойиҳа-смета хужжатларининг таркиби, уларни ишлаб чиқиш тартиби, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш бўйича йўриқнома.

3-боб. Атамалар ва таърифлар

11. Мазкур маълумотномада қуйидаги асосий атама ва таърифлар қўлланилган:

инвестор – ўзининг ва (ёки) жалб қилинган маблағларни ишлатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудида капитал маблағларни амалга оширувчи инвестицион фаолият субъекти. Жисмоний шахслар ва биргаликда фаолият юритиш учун ташкиллаштириладиган юридик шахс мақомига эга бўлмаган юридик шахслар, юридик шахслар бирлашмалари, давлат органлари, маҳаллий бошқарув органлари, ҳамда хорижий жисмоний ва юридик шахслар инвестор бўлиши мумкин;

курувчи – ўзига тегишли бўлган ер участкасида объект қурилишини, реконструкциясини ёки капитал таъмирланишини, муҳандислик-техник ишларини бажарилишини, уларни қуриш, реконструкция килиш ва капитал таъмирлаш учун шаҳарсозлик хужжатларини тайёрлашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс;

инвестицион лойиҳа — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа турдаги фойда олиш учун инвестицияларни амалга ошириш ёки жалб қилишга қаратилган лойиҳа;

ложиҳа ташкилоти (ложиҳачи) – лойиҳа ишларининг тегишли турларини бажаришга лицензияга эга бўлган ва объект қурилиши (реконструкцияси, капитал таъмирланиши) учун лойиҳа-қидирав ишларини бажаришга буюртмачи билан келишув (шартнома) тузган, шартномадаги қабул қилинган мажбуриятларни мустақил тарзда бажарувчи юридик шахс;

бош лойиҳачи – лойиҳанинг алоҳида қисмларини бажариш учун субпудратчилар (ҳамижрочилар) билан шартномалар тузган ҳолда уларни жалб қилиб лойиҳа-қидирав ишларини тўлиқ ҳажмда бажариш учун буюртмачи билан келишув (шартнома) тузган лойиҳа ташкилоти;

субпудратчи (субпудрат лойиҳа ташкилоти) – лойиҳа ишларининг алоҳида қисмларини бажариш учун лицензияга эга бўлган ва бош лойиҳачи билан тузилган шартнома мажбуриятлари асосида лойиҳанинг тегишли қисмларини бажарувчи юридик шахс;

ложиҳа олди ишлари – қабул қилинган параметрларга қўра лойиҳани амалга оширилишининг имкониятини ва мақсадга мувофиқлигини, шунингдек унинг ҳаётийлигини асослаб берувчи ишлар йиғиндиси;

Лойиҳа олди ишларига материаллар ва жиҳозларни етказиб бериш ва қурилиш-монтаж ишларини ҳамда ишларнинг бошқа турларини бажариш юзасидан тендер ўтказиш учун хужжатлар мажмуасини ишлаб чиқиш, шунингдек техник-иктисодий асослаш (кейинги ўринларда ТИА) ёки техник-иктисодий хисоблашни (кейинги ўринларда ТИХ) ишлаб чиқиш киради. ТИА ва ТИХ лойиҳаларни молиялаштириш шартларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва молиявий-иктисодий ечимларини белгиловчи лойиҳаолди хужжати ҳисобланади.

Лойиҳани амалга ошириш шартларига боғлиқ ҳолда лойиҳаолди хужжатлари қуйидаги вариантлардан бирида ишлаб чиқиласdi:

- а) ТИА ишлаб чиқиш;
- б) ТИХ ишлаб чиқиш;

муҳандислик-техник изланишлар – худуд ва ер участкаларидан улар доирасида рационал ва ҳавфсиз фойдаланиш, худудни режалаштириш, худудда меъморий-курилиш ишларини режалаштириш ва лойиҳалаш учун керакли бўлган материалларни асослаб бериш учун тегишли маълумотларни тайёрлаш мақсадида техноген таъсирнинг табиий шароитлари ҳамда факторларини ўрганиш;

Муаллифлик назорати – лойиҳа ечимларини амалга оширишдаги камчиликларни юзага чиқарувчи сифат назоратининг бир тури. Муаллифлик назорати қурилиш босқичида амалга оширилади. Лойиҳачи қурилиш ишларининг лойиҳага ва ишчи-смета хужжатларига мослигини назорат қилади;

Лойиҳани ва қурилишни **техник жиҳатдан кузатиб бориш** обьектни лойиҳалашда, қуришда, шунингдек ундан кейинчалик ҳавфсиз фойдаланишда сифатли ва ҳавфсиз ишланини таъминлаш учун керакли бўлган эксперт-назорат, илмий-методик, ташкилий-хукукий ва ахборот-таҳлилий режа асосидаги ишлар мажмуасидан ташкил топади.

4-боб. Бош лойиҳачининг асосий вазифалари ва функциялари

12. Ушбу бобдаги бандларда бош лойиҳачининг асосий вазифалари келтирилган.

13. Бош лойиҳачининг асосий вазифаси – бу лойиҳаларни, ресурс смета хужжатларини комплекс ишлаб чиқиш, экологик ҳавфсизликни, қурилишда ва фойдаланишда жаҳондаги фан ва техника ютуқларидан максимал даражада фойдаланган ҳолда қайта лойиҳаланадиган ва реконструкция қилинадиган корхоналар, шунингдек янги лойиҳаланадиган обьектларнинг, бино ва иншоотларнинг техник жиҳатдан замонавийлигини, иқтисодий самарадорлигини, шаҳарсозлик хужжатларининг юқори техник-иктисодий даражасини ва сифатини таъминлаш, лойиҳа ишларини бажаришда шартнома шартларига ҳамда муддатларига амал қилишdir.

14. Бош лойиҳачи шаҳарсозлик фаолияти обьектлари лойиҳа ечимларининг юқори меъморий, технологик ва техник даражасини, патент соғлигини, иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

15. Бош лойиҳачи шартномада қўрсатилган ишларни белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди, шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш жараёнини бошқариш устидан доимий назорат юритади.

16. Бош лойиҳачи буюртмачи томонидан лойиҳада назарда тутилган обьект учун шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқнинг тузилишида қатнашади, шунингдек, агар шартномада назарда тутилган бўлса, буюртмачининг қўрсатмасига биноан топшириқни тайёрлаш ҳамда уни расмийлаштиришда техник ёрдам қўрсатади.

17. Бош лойиҳачи буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳаолди, лойиҳа ва шартномада назарда тутилган бошқа ишларнинг ҳажми, босқичлари ва нархларини аниқлайди, ишларни бажариш графигини тузади.

18. Бош лойиҳачи буюртмачи билан келишилган ҳолда ёки мустақил равишда лойиҳаолди, лойиҳа, қидирав ва бошқа турдаги ишларни бажариш учун субпудратчи ташкилотларни танлайди, субпудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузади.

19. Бош лойиҳачи субпудратчи ташкилотларнинг шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш борасидаги фаолиятини координация қилади ва бошқаради, меъморий-

режалаштириш, фазовий-ҳажмий, техник ечимларни ва экологик талабларни, қурилишда энергия тежамкор технологияларни қўллаш бўйича талабларни бажарилишини назорат қилади, субпудратчилик асосида бажариладиган лойиҳа материаллари ҳамда муҳандислик изланиш натижаларининг зарурый сифатини таъминлайди.

20. Бош лойиҳачи тегишли вазифаларни бажариш учун топширикларни тайёрлайди ва субпудратчи ташкилотларга тақдим этади, шунингдек ушбу ташкилотларни керакли дастлабки маълумотлар ва лойиҳа материаллари билан таъминлайди.

21. Бош лойиҳачи субпудратчи ташкилотлар билан биргалиқда ишларни бажариш графикларини, жумладан муҳандислик изланишларини бажариш ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқади, уларни қурилиш-пудрат ташкилотлари билан мувофиқлаштиради (агар шартномада белгиланган бўлса) ишларининг графикларини тайёрлайди ва тасдиқлаш учун буюртмачига тақдим этади.

22. Бош лойиҳачи субпудратчи ташкилотлар томонидан бажариладиган лойиҳаолди, лойиҳа, қидирув ва бошқа ишларнинг ҳажми, нархлари, сифати ва муддатларининг мувофиқлигини назорат қилади.

23. Бош лойиҳачи лойиҳалаш жараёнида субпудратчи ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган меъморий, конструкторлик, технологик ва техник ечимларни мувофиқлаштиради, лойиҳанинг барча қисмларини ўзаро боғлайди.

24. Бош лойиҳачи лойиҳа ва бошқа техник ҳужжатларнинг лойиҳа ҳужжатларини бажариш топшириғига мувофиқлигини таъминлайди.

25. Бош лойиҳачи тайёр бўлган шаҳарсозлик ҳужжатларини, муҳандислик изланиш материалларини субпудратчи ташкилотлардан қабул қилиб олади ва уларнинг тўловини шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширади.

26. Бош лойиҳачи шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳасини, жумладан субпудратчилар томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатларни қисмлар бўйича комплектлайди ва буюртмачига тақдим этади.

27. Бош лойиҳачи субпудратчи лойиҳа ташкилотлар ва буюртмачи билан биргалиқда шаҳарсозлик ҳужжатларини мувофиқлаштириш жараёнида қатнашади (ҳамкорлик қилади).

28. Бош лойиҳачи мувофиқлаштирилган ва экспертизадан ўтган шаҳарсозлик ҳужжатларини буюртмачига тақдим этади.

29. Бош лойиҳачи субпудратчи ташкилотлар билан биргалиқда лойиҳани барча босқичларида объектни фойдаланишга топширгунга қадар муаллифлик назоратини олиб боради.

30. Бош лойиҳачи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва шартномада назарда тутилган бошқа вазифалар ва функцияларни бажаради.

5-боб. Бош лойиҳачининг ҳуқуқлари

31. Ушбу бобда Бош лойиҳачининг ўз вазифалари ва функцияларини бажаришдаги ҳуқуқлари келтирилган.

32. Бош лойиҳачи бошқа юридик шахсларни улар билан субпудрат шартномаларини тузиш орқали лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга жалб қилади. Шу билан бирга, буюртмачи бош лойиҳачи билан келишилган ҳолда, лойиҳа-қидирув ишларининг айрим турларини бажариш учун юридик шахслар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

33. Бош лойиҳачи субпудратчи ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг сифатини, уларнинг тасдиқланган графиклар асосида белгиланган муддатларга мувофиқлигини, уларнинг оператив-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда назорат қилиш хуқуқига эга бўлади.

34. Бош лойиҳачи шаҳарсозлик ҳужжатларининг қисмлари ёки бўлимлари, бошқа техник ҳужжатларни, ҳисобот ҳужжатларини ва лойиҳа фаолияти ҳақидаги бош лойиҳачининг ваколатига таалуқли бўлган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун зарур маълумотларни ишлаб чиқарувчилардан талаб қилиб олиш хуқуқига эга бўлади.

35. Бош лойиҳачи субпудратчи ташкилотлар томонидан бажарилган шаҳарсозлик ҳужжатларида экспертизадан ўтиш жараёнида ва муаллифлик назоратини олиб бориши даврида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш устидан назоратни амалга ошириш хуқуқига эга бўлади.

36. Бош лойиҳачи субпудратчилар томонидан лойиҳалаш графиги, техник регламентларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, шунингдек шартнома шартлари мунтазам равишда бузилган тақдирда аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар субпудратчи ҳисобидан лойиҳалаш ишларини бажарилишини тўхтатиб туриш хуқуқига эга бўлади.

37. Бош лойиҳачи бош лойиҳалаш шартномасида муаллифлик назоратини амалга ошириш кўзда тутилган бўлса, лойиҳадан йўл қўйиб бўлмайдиган оғишлар билан, техник шартларни ва ишларни бажариш қоидаларини бузиш билан, ҳамда иш сифати қониқарсиз тарзда бажарилган курилиш-монтаж ишларининг алоҳида қисмларининг бажарилишини тўтатиб қўйиш хуқуқига эга бўлади.

38. Бош лойиҳачи ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қурилиш майдончасида буюртмачининг талабларига асосан қурилиш шартлари ўзгарганда ва шартнома бўйича қўшимча келишувлар зарурати туғилганда шаҳарсозлик ҳужжатларига ўзгартиришларни киритадиган лойиҳа гурухини ташкил этиш хуқуқига эга бўлади. Худди шу гуруҳ объектни барпо этиш даврида ҳатоларни аниқлайди ва уларни тузатади, камчиликларни бартараф этади.

39. Бош лойиҳачи буюртмачи томонидан шаҳарсозлик ҳужжатларини кўриб чиқиша қатнашиш хуқуқига эга бўлади.

6-боб. Бош лойиҳачининг жавобгарлиги

40. Бош лойиҳачининг жавобгарлиги мазкур меъёрлар асосида ва қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

41. Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиша ва муаллифлик назоратини олиб боришида бош лойиҳачи қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

техник-иктисодий ечимлар даражаси;

қабул қилинган лойиҳа ечимларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқилиши ва шартномада ҳамда мазкур Низомда белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши;

шаҳарсозлик ҳужжатларида камчиликлар, жумладан қурилиши тугалланган объектдан фойдаланиш даврида аниқланган камчиликлар;

ўз кучи билан ҳамда субпудратчиларни жалб қилган ҳолда бажарилган ишларнинг сифати ва етарли ҳажмда бажарилмаганлиги;

бош шартномада, муаллифлик назоратини олиб бориш шартномасида, ҳамда субпудратчи ташкилотлар билан тузилган шартномаларда кўзда тутилган ишларни бажариш муддатларининг бузилиши;

бажарилган шаҳарсозлик хужжатларини мувофиқлаштириш ва экспертизадан ўтказиш даврида буюртмачи мулоҳазалари бўйича аниқланган нуқсонлар ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этилмаслиги ёки умуман бартараф этилмаслиги;

ложиҳаланаётган обьектни аҳоли яшаш пунктларининг бош режасига мос эмаслиги;

курилиш бошланишидан обьектни фойдаланишга топширгунга қадар бўлган даврда муаллифлик назоратини тўғри бажарилмаслиги;

42. Бош лойиҳачи субпудратчи олдида қуйидаги ҳоллар учун жавобгар ҳисобланади:

пудрат шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки тўғри бажармаслик;

субпудрат шартномасида кўзда тутилган ишларни бажариш учун керак бўлган дастлабки рухсат берувчи хужжатлар ва маълумотларни субпудратчиларга ўз вақтида тақдим этмаслик ёки умуман тақдим этмаслик.

43. Лойиҳа хужжатлари буюртмачиси билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича ишларни бажараётган бошқа шахслар томонидан бажарилмаган ёки нотўғри бажарилган лойиҳа ишларининг қисми учун бош лойиҳачи жавобгар эмас.